

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**
**MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND
INNOVATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
ЎЗБЕКИСТОН-ФИНЛАНДИЯ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
UZBEK-FINNISH PEDAGOGICAL INSTITUTE

«ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ»

«CURRENT ISSUES OF PHILOLOGY»

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**MATERIALS OF THE INTERNATIONAL
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE**

САМАРҚАНД, 2023 ЙИЛ 5-6 МАЙ

SAMARKAND, MAY 5-6, 2023

Samarkand - 2023

<i>Berdiyev X.X.</i> Bilibimlarни такомиллаштириш – давр талаби.....	197
<i>Toshboyeva Dilnavoz Abduraxmat qizi.</i> -po'sh affiksi bilan hosil bo'lgan do'ppichilik terminlari xususida.....	199
<i>Ahatova Gulchehra.</i> Toyloq tumani shevalarida grammatik ko'rsatkichlar ifodasi.....	202
<i>Kudratova Gulyarux Izmatullaevna.</i> Использование компьютерных технологий в обучении иностранным языкам.....	204
<i>Imotqulova G.N.</i> Said Ahmadning mustaqillik davri hikoyalari badiiyati.....	207
<i>Usmanova S.H.</i> Цифровые технологии в организации самостоятельной работы студентов при обучении русскому языку в ВУЗЕ.....	211
<i>Tuychieva D.P., Nosirova A.B.</i> Язык и стиль В. Шекспира.....	214
<i>Qarshiev Nasirdin Tirkashevich.</i> Oliy filologik ta'lim va uning turlari.....	219
<i>Muxammadova Maxbuba Mo'minovna.</i> Shayx Shoh Ziyoratgohiy qachon yashagan?.....	220
<i>Sayliyeva Zarina Raxmiddinovna.</i> Ibrohim Haqqul va o'zbek adabiyoti.....	223
<i>Shodiyev Faxriddin Teshayevich.</i> Ertaklarni PIRLS mashqlari orqali o'qitish usullari.....	226
<i>Rajabova Ra'no Zaripovna.</i> Nasriy adabiy erтакларда эврилиш мотиви ва мифологик образлар стилизацияси.....	232
<i>Pardayev Asror Ikromovich, Narzullayeva Muxlisa Rustam qizi.</i> Boshlang'ich sinflarda innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari.....	236
<i>Kuvvatova D., Gulxay Shokirova.</i> Faфур Гулом шеърларида интеллектуаллик....	238
<i>Qodirova Nasima Sauidburxonovna.</i> Эркин Воҳидовнинг мунаққидлик маҳорати хусусида.....	243
<i>Bozorova Gulmira.</i> Erkin Vohidov she'rlarida talmeh san'ati.....	245
<i>Samadi Nooria.</i> Afg'onistonda ta'lim muammolari.....	248
<i>Йўлдашбой Машиарипов.</i> Университет илм-фанига бахшида этилган умр соҳиблари.....	250
<i>Salimov A.X., Muradullayva Laziza Ibadullayvna.</i> Boshlang'ich sinf mehnat darslarida iqtisodiy tushunchalarini shakllantirish.....	255
<i>Faxriddinov M., Jalilova Noila.</i> Zamonaviy texnologiyalarning darsdagi o'rni.....	258
<i>Sulطانова З.С.</i> Развитие Востоковедческой науки в России.....	262
<i>Давронова Ш.</i> Улуғбек Ҳамдам романларида ҳаётий ҳақиқат ва бадий талқин.....	265
<i>Bahronova B.</i> Zahiriddin Muhammad Boburning madaniyatga oid qarashlari.....	269

V ШЎББА. Чет тилларини ўрганишнинг назарий ва амалий масалалари.

V СЕКЦИЯ. Теоретические и практические вопросы изучения иностранных языков.

V SECTION. Theoretical and practical issues of learning foreign languages.

<i>Кутбиддинова Ш.Ф., Мусинова Н.С.</i> Использование модели «Перевернутый класс» на уроках английского языка.....	273
<i>Нурмухамедова Мохира Ураловна.</i> Методика преподавания русского языка как иностранного (РКИ).....	277

Список литературы:

1. Алиев, Р.М. Османов, М.Н. Омар Хайём (Р.М.Алиев, М.Н.Османов. - Москва: Издательства Академия наук СССР), 1959.-143стр.
2. Бертельс, Е.Э.Авецина и персидская литература /Е.Э.Бертельс //Известия Академия наук СССР. Отдел общественных наук.-Москва-Ленинград, 1938.-С. 75-93.
3. А.Болотников, Омар Хайям (Философ-поэт-математик) /А.Болотников. //Восток. Сборник второй. Литература. Ирана XVв.- Москва-Ленинград: Academia, 1935.-С. 179-211.
4. З.Н.Ворожейкина, Исфаханская школа поэтов и литературная жизнь Ирана в предмонгольское время (XII-XIIIв) /З.Н.Ворожейкин.-Москва, 1984.-360с.
5. А.Е.Крымский, Низами и его современники/А.Е.Крымский .-Баку: Издательства «Элм», 1981.-487стр.
6. П.Н.Лозеев, Омар Хайям в источниках/П.Н.Лозеев//Ученые записки. Филологическая серия, выпуск 3.-Сталинабад,1953.-57-102.
7. С.Б.Морочник, Б.А.Розенфельд, Омар Хайям-поэт, мыслитель, учёный / С.Б.Морочник., Б.А.Розенфельд.- Сталинабад: Таджик Госиздат, 1957.-209стр.
8. М.Муллоахмад Андаршинохти рубоиёти асили Хайём/ Мирзо Муллоахмадов// Омар Хайём. Рубоиёт (Нусхаҳои асил). -Хучанд: Ношир, 2019.-С.3-45.

**УЛУҒБЕК ҲАМДАМ РОМАНЛАРИДА ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ ВА
БАДИЙ ТАЛҚИН**

*Давронова Шохсанам,
филология фанлари доктори (DSc)
(Бухоро давлат университети, Ўзбекистон)*

Аннотация: Мақолада ёзувчи Улуғбек Ҳамдам романлари мисолида ҳаётий ҳақиқат ва бадиий талқин масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: роман, ҳаётий ҳақиқат, бадиий талқин Улуғбек Ҳамдам романлари, бадиий ғоя, бадиий образ, ўзбек адабиёти.

Замонавий ўзбек адабиётининг таниқли вакилларида бири Улуғбек Ҳамдамнинг ҳаётий ҳақиқатларни бадиий талқин этишда ўзига хос услуби ва индивидуал маҳорат қирралари кўзга ташланади. Ёзувчи ижтимоий муаммоларни ҳаётий типлар ва мукамал характерлар орқали очиб берган. У яратган характерлар индивидуал жиҳатлари, шахсий мулоҳазалари, маънавий олами ва ўзига хос қарашлари билан ажралиб туради ва ҳаётийлик касб этади. Адибнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар”, “Ота” каби романларида қаламга олинган бадиий воқеликда ўзбек ҳалқининг ўтмиши ва бугунги кундаги кечмиши ёритилган. Ушбу романларда Юсуф, Акбар, Самандар, Сабо, Пўлат каби қаҳрамонларнинг бадиий олами ёрқин акс эттирилган.

Ҳозирги ўзбек романчилигида инсон руҳияти тасвирига алоҳида эътибор қаратилди. Бадий образнинг характери унинг олами англаш ва тушуниш, индивидуал идрок этиши натижасида шаклланади. Романларда руҳият тасвиридан унумли фойдаланилиши характерларнинг мукамаллигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Қаҳрамон ички оламида кечган кечинмалар тасвирига муайян ўрин ажратилиши ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқатнинг мувозанатини, мутаносиблигини таъминлаши қаторида асарнинг ишонтириш ва таъсир кучини оширишга ҳам хизмат қилади. Ижтимоий, маданий, маънавий, маиший, шахсий муаммо ва муносабатларнинг таъсири натижасида инсон руҳиятида кечадиган ҳолатларнинг бадий образ оламида акс этиши натижасида унинг табиатида сезиларли ўзгаришлар намоён бўлиши кузатилади.

Улуғбек Ҳамдам романлари сюжети ва композицион қурилишида психологизмнинг алоҳида ўрни мавжуд. Адиб романларида воқеалар тизимининг қаҳрамон ички оламида намоён бўлган ҳолатлар билан алоқадорликда кечишига диққат қаратилган. Ижодкор яратган образлари руҳияти тасвири орқали уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабати, ўзига хос идрок этиш, фикрлаш ва хулоса чиқариш тарзига эътибор берилган. Адиб ҳаётий ҳақиқатларни бадий талқин этишда ижтимоий зиддиятларнинг қаҳрамон руҳияти ва маънавиятига таъсирини инобатга олади. Ўқувчини қаҳрамоннинг ички оламида кечаётган жараёнлар тасвири орқали бадий талқин этилаётган воқелик ва бадий конфликтга оқимига тайёрлаб боради.

Бадий образнинг психологик ҳолатларини ёритишда романнависнинг индивидуал маҳорат қирралари яққол кўзга ташланиб туради.

Ёзувчи романларида ҳаётий ҳақиқатни бадий талқин этишидаги характерли жиҳатларидан яна бири ижодкорнинг реал шароитга мос, яқин турадиган бадий манзара яратиш маҳоратида кўзга ташланади. Адиб романларида қамраб олинган давр воқеалари ва ижтимоий муаммолар тизими ҳаётий асосга эгаллиги эканлиги билан диққатни тортади. У шаҳар ва қишлоқлар ҳаёти, кишиларнинг турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, миллий менталитетига хос бўлган характерли деталлардан фойдаланади.

Шунингдек, ёзувчининг маҳорати бадий портрет ва пейзаж яратишда ҳам кўринади. Адиб романларида тасвирланган қаҳрамонлар ички оламига мос келадиган ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракатлари билан намоён бўлади. Улар ҳаракат қиладиган бадий макон ва замон тасвирида ҳам муайян уйғунлик ва тасвирда меъёрга амал қилинади.

“Мувозанат” романида мураккаб ва зиддиятли даврларда тобланган, синалган ва ўз фаолиятининг зарурий, ҳақиқий меъёрини излаб топишга уринаётган инсоннинг кечинмалари ҳақида сўз боради. Асарда тарихчи ўқитувчи Юсуфнинг кечмиши тасвири орқали замонавий зиёли шахс тақдирининг айрим қирралари ёритиб берилган. “Бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш даври тўфонлари бу йигит бошқарган ҳаёт кемасини шафқатсиз синовларга дучор этади. Мана шу тўфонлар

гирдобиди у бошқарган кема соҳилнинг гоҳ у, гоҳ бу томонига бориб келади. Бу йигит кўпдан-кўп мушкул савдоларни бошдан кечиради, моддий муҳтожлик жабрини татийди, оиласи, фарзандидан ажралади, муайян муддат севган касбидан кетади, таъби суймаган юмушларни адо этишга мажбур бўлади. Роман муҳокамаси пайти Юсуфдек етук зиёлининг ўз инсонийлик шаънини топтаб, тирикчилик деб шу хил кўчаларга кириши хусусида эътирозлар ҳам билдирилди. Начора, буни ҳаёт, дейдилар. Агар Юсуф қисмати, руҳиятидаги жараёнлар тасвирини синчиклаб кузатсангиз, у не-не ўй-хаёлларга бормасин, турли-туман кўчаларга кириб чиқмасин, гоҳо адолатсизлик, ночорлик туфайли ҳар қанча ўртанмасин, барибир қалбининг туб-тубида ўзлигига, адолат туйғусига содиқлигича қолади, миллат, юрт қайғуси ҳақида ўйлашдан бир зум ҳам тўхтамайди”[1.284]. Даврнинг муаммолари, ижтимоий ҳаётдаги тўқнашувлар виждонли ва матонатли инсонни ҳар куйга солиши мумкин, аммо унинг иродасини бука олмайди. Асардаги бадиий ғоя ана шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Ушбу ҳаётий ҳақиқат романнинг етакчи ғоясини ташкил этади.

Адибнинг яна бир романи “Исён ва итоат”да ҳам замонавий воқелик қаламга олинган. Янги давр инсондан тезкорлик, ғайратлилик, тадбиркорлик ва оқилликни талаб этади. Бироқ одамийлик, ҳалоллик ва ақл-тафаккур эгаси бўлишга интилиш инсон учун барибир бош мезон бўлиб қолиши керак. Асарда акс эттирилган барча воқеалар ана шу етакчи ғоянинг қайсидир бир қиррасини очиб беришга қаратилган. Акбар ўзини англаш, аниқ хулоса чиқариш учун бир қанча саргузаштларни бошидан кечирди. Ушбу саргузаштлар баёни асар сюжетининг асосини ташкил этади. Руҳиятидаги зиддиятларни барқарор қилиш учун Акбарга деярли бутун умрга еттулик фурсат керак бўлади. Ҳаётини ўзгартириш ва ўз-ўзини англаш мақсадида шаҳарга йўл олган қаҳрамон кечмиши тасвири жараёнида китобхон тасаввурида қонланаётган воқелик янги даврда юз берган турли ўзгаришлар, ижтимоий муаммоларни эслатиб туради. Жумладан, асардаги иқтисодий муносабатлар ва инсон маънавияти, шаҳар ва қишлоқлардаги турмуш тарзи, фидойи ва заҳматкаш инсонларнинг маънавий олами, худбин ва олчоқ кимсаларнинг қилмишлари, оддий одамларнинг кечмиши ва ҳаётий сабоқлари тасвири ёзувчи кузатган ва англаган ҳаётий ҳақиқатларнинг бадиий умумлашмага айлантирилган талқинларидир. Натижада эса романнинг ғоявий ечими янги давр кишиси воқеа-ҳодисаларнинг оддий кузатувчиси эмас, деган хулосага олиб келади. У ҳар бир ҳодисанинг фаол кузатувчиси ва тафтирокчиси, исёнкор шахс деган қарашнинг юзага келишига туртки беради.

Ёзувчининг яна бир асари “Сабо ва Самандар” романида азалий мавзу бўлган муҳаббат мавзуси янгича талқин этилган. Ижодкор мазкур мавзунини ёритар экан, бундай даврларда ёшлар муҳаббатига тўсқинлик қиладиган ижтимоий зиддиятларни ўзини хос тарзда очиб беришга ҳаракат қиладди. Булар оталар ва болалар муносабати, ижтимоий тенгсизлик масаласи, моддий ва маънавий бойлик тақсимидаги тафовут қабилардир. Роман қаҳрамонлари Сабо ва Самандар – зиёли ёшлар. Демакки, улар ўз даврининг ақл ва тафаккур эгаларидирлар. Айни пайтда Сабо мансуб бўлган оила иқтисодий имкониятлари жиҳатидан ўзи мансуб жамятда

алоҳида ажралиб туради. Айни пайтда ана шу жиҳат ёшларнинг муҳаббати ўртасидаги асосий тўсиқнинг манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Ёшларнинг самимий муҳаббати ижобий яқун топмайди. Улар бошқа кишилар билан оила курадилар. Табиийки, бу икки оилада ҳам бахт ва самимий мунобатлар тўла-тўқис қарор топмайди. Асарнинг етакчи қаҳрамонлари умрларининг охирига қадар ўз муҳаббатларини қалбларида эъзозлаб ҳаёт кечирадилар. Романда ижтимоий муносабатларга доир зиддиятлар инсоннинг руҳий ва маънавий оламига салбий таъсир этиши мумкинлиги бадиий асослаб берилади.

“Ота”да ўзбек халқи ҳаётидаги яқин ўтмиш воқелиги қаламга олинган. Асарнинг Пўлат, Ёғду, Ойчечак опа, Ўткир ака қаби қаҳрамонлари уруш даври қийинчиликларини бошидан ўтказган иродали, сабр ва матонатли халқнинг умумлашма бадиий тимсоллари сифатида таассурот уйғотади. Асарда даврнинг муаммолари қаҳрамонлар кечмиши тасвирига уйғунлаштирилиб бадиий талқин этилади. Уруш одамлари ватан, халқ, озодлик, тинчлик ва фаровонлик учун курашади. Айни пайтда, улар ҳаёти талқини жараёнида бурч, адолат, ор-номус қаби тушунчалар оила олдидаги масъулият туйғуси билан уйғунликда очиб борилади. Ота, яъни Пўлат образи асарда акс этган воқеаларга кўра ватан танчлиги учун жангга қиради; муҳаббати учун фидоий инсон сифатида ҳаракат қилади; ҳалол меҳнат билан кун кечиради; фарзанди учун куюнчак инсон сифатида гавдаланади. Аммо ҳаётдаги сингари тақдир уни фидоийликларига жавобан ҳамма вақт ҳам сийлайвермайди. Бироқ ота ўз эътиқоди, юксак инсоний фазилатларига зид бормасликка ҳамisha ҳаракат қилади. Натижада эса асарнинг асосий қаҳрамони – ота образи ҳаётдаги барча фидоий, оилапарвар, ватанпарвар оталарнинг ёрқин тимсоли сифатида ёдда қолади.

Умуман олганда, Улуғбек Ҳамдам романларида инсон ҳаётининг турли қирралари талқин этилган. Ҳаётий ҳақиқатлар ёзувчининг ўзига хос дунёқараши, ижодий ёндашуви асосида бадиий талқин этилган.

Адабиётлар:

- 1.Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007. – 352 б.
- 2.Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
- 3.Ҳамдам У. Исён ва итоат. – Т.: Янги асравлоди, 2003. – 140 б.
- 4.Ҳамдам У. Мувозанат. – Т.: Шарқ, 2007. – 272 б.
- 5.Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 352 б.
- 6.Ҳамдам У. Ота. – Т.: Янги аср авлоди, 2020. – 208 б.